





markazi” МЧЖ ва “Ko’chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ ҳамкорлигида жорий йилнинг сентябрь ойидан [www.lauksion.uz](http://www.lauksion.uz) дастури ишга туширилди. Мамлакатимизда ягона хисобланган ушбу дастурга Республикамизнинг исталган худудидан интернетга уланиб, [www.lauksion.uz](http://www.lauksion.uz) расмий саҳифага кириш ҳамда кўчмас мулклар, автотранспорт воситалари, жамиятлар устав фондидаги улушлар, асбоб-ускуналар ва бошқа турдаги мулклар бўйича маълумотлар олиш ва кизиқтирган мулкларнинг савдоларида иштирок этиш мумкин.

Савдоларга тайёргарлик кўриш, савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёни билан боғлиқ хизматлар амалдаги норматив ҳужжатлар билан тартибга солинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ва Фуқаролик-процессуал Кодекслари, “Риэлторлик фаолияти тўғрисидаги” Қонун, риэлторлик хизматлари бўйича 2-сон ва 3-сон “Миллий риэлторлик стандарт”ларига асосланган. Жамиятимиз фаолияти даврида савдо ташкилотчисининг айби билан бирорта ҳам савдо бекор қилинмаган.

Оммавий савдолар қонун ҳужжатларига мувофиқ аукцион, танлов савдолари кўринишида ҳамда Сизнинг ихтиёрингизга кўра очиқ ёки ёпиқ тарзда ҳамда бевосита ташкилотингиз жойлашган бинода ҳам ташкил этиб берилиши мумкин. Аукцион (ёки танлов) комиссияси таркибида мулк эгаси томонидан камида 3 киши вакил сифатида қатнашади ва мулк эгасининг вакили комиссияга раислик қилади. Аукцион (ёки танлов) комиссияси ўз регламентига эга бўлиб, талабгорлар ҳужжатларини кўриб чиқади, аукцион қадамни белгилайди ва савдо жараёнини назорат қилади. Комиссия таркибига киритилган жамоамиз вакиллари савдога тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини амалдаги қонунчилик ҳамда норматив ҳужжатларга тўлиқ жавоб беришида кўмаклашади.

Кўрсатиладиган хизматлар миқдори шартномага асосан мулкнинг ликвидлигига қараб, мулк эгаси билан келишган ҳолда шартномага асосан белгиланади. Барча реклама харажатлари жамиятимиз хисобидан амалга оширилиши ва сотилган мулк учун хизмат ҳақи суммаси савдо ғолиби томонидан тўланган закат тўлови хисобидан қопланишини маълум қиламиз. Шунингдек, шуни маълум қиламизки, жамиятимиз томонидан ташкил этилган барча савдоларга тегишли ҳужжатлар махсус йиғма жилдларда ташкилотимиз архивида сақланади ва белгиланган муддат ўтгандан сўнг доимий равишда давлат архив идораларига топширилади.

Ташкилотизга тегишли бўлган кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг оммавий савдоларини ташкил этишда “Ko’chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ ўз хизматларини кўрсатишга тайёрлигини маълум қилади. Ташкилотимиз хизматларидан ҳамкорликда фойдаланишни таклиф этиб, мурожаатимизни эътиборсиз қолдирмайсиз деб умид қиламиз.

**“Ko’chmas mulk savdo xizmati”  
МЧЖ Бош директори**



**Ш.Болтаев**